

7. Екатерина Сливка (Николаев, Украина) Современные проблемы управления персоналом организации. XVIII Международная научно-практическая интернет-конференция. «Проблемы и перспективы развития науки в начале третьего тысячелетия в странах СНГ» 29 - 30 декабря 2013 г.
8. Управление человеческими ресурсами: учебно-методическое пособие / М.И. Литвина, П.В. Фурсова. – М.: МАДИ, 2019. – 14 с.
9. Н.В. Соловова, Г.П. Гагаринская, О.Ю. Калмыкова, В.А. Васячева, О.В. Новоселова. Управление человеческими ресурсами: учеб. пособие / Н.В. Соловова [и др.]. – Самара: Изд-во Самарского университета, 2019. – 3 с.
10. Гончарова Н.В. Управление человеческими ресурсами организации в условиях современного рынка труда : учебное пособие / Н.В. Гончарова, Л.В. Дайнеко, Е.В. Зайцева; под общ. ред. Е.В. Зайцевой; Министерство науки и высшего образования Российской Федерации, Уральский федеральный университет. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2021. – 10 с.
11. <https://sprintinvest.ru/upravlenie-resursami-predprivativa-problemy-i-sistemy>
12. Shanazarova, G. (2019). ANALYSIS OF THE ORGANIZATION AND MANAGEMENT OF INNOVATION ACTIVITIES IN UZBEKISTAN. Архив научных исследований  
<https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/549>



### ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

doi: [doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a35](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a35)

**Нуманова Мадина Латиф қизи**  
ТДИУ хузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий асослари  
ва муаммолари" илмий тадқиқот маркази  
кичик илмий ходими

**Аннотация.** Инсон капиталининг шаклланишига бир қатор омиллар таъсир қиласди: демографик, иқтисодий, ижтимоий, соғлиқни сақлаш, саноат, экологик, технологик, институционал, хулқ-атвор ва бошқалар. Ушбу мақола инсон капиталининг шаклланишига тасир этувчи соғлиқни сақлаш муаммоларини ўрганишга ва ушбу муаммоларни ечимиға бағишиланган бўлиб, фикримизча, ушбу омил инсон капиталининг шаклланишига таъсир этувчи энг долзарб омиллардан бири ҳисобланади.

**Калим сўзлар:** инсон капитали, соғлиқ капитали, соғлиқни сақлаш, ҳудудий муаммолар, демографик омиллар, аҳолини касалликларга чалиниши.

### АНАЛИЗ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА ФОРМИРОВАНИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

**Нуманова Мадина Латиф кизи -**  
младший научный сотрудник Научно-  
исследовательского центра "Научные основы и проблемы  
развития экономики Узбекистана" при ТГЭУ

**Аннотация.** На формирование человеческого капитала влияет ряд факторов: демографический, экономический, социальный, медицинский, производственный, экологический, технологический, институциональный, поведенческий и др. Данная статья посвящена изучению проблем со здоровьем, влияющих на формирование человеческого капитала и решению этих проблем, и на наш взгляд, данный фактор является одним из наиболее актуальных факторов, влияющих на формирование человеческого капитала.

**Ключевые слова:** человеческий капитал, капитал здоровья, здравоохранение, территориальные проблемы, демографические факторы, заболеваемость населения.

### ANALYSIS OF FACTORS AFFECTING THE FORMATION OF HUMAN CAPITAL

**Numanova Madina Latif kizi -**  
Junior Researcher at the Research Center  
"Scientific Foundations and Problems of the  
Development of the Economy of Uzbekistan" at TSUE

**Annotation.** The formation of human capital is influenced by a number of factors: demographic, economic, social, medical, industrial, environmental, technological, institutional, behavioral, etc. This article is devoted to the study of health problems affecting the formation of human capital and the solution of these problems, and in our opinion, this factor is one of the most relevant factors affecting the formation of human capital.

**Key words:** human capital, health capital, healthcare, territorial problems, demographic factors, population morbidity.

**Кириш.** Саломатлик инсон ҳаётининг асосидир. Уни юқори даражада ушлаб туриш орқали инсон меҳнат қобилиятини оширади, меҳнат унумдорлигини ва умуман ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Соғлиқни сақлаш капитали - бу инсоннинг соғлиғи ва иш фаолиятини яхшилаш учун зарур бўлган инвестицияларни англатади. Саломатлик, бир томондан, талаб мавжуд бўлган истеъмол товари бўлса, иккинчи томондан, бу товардан олинган фойданинг соф қиймати билан белгиланадиган инвестиция товариdir.

Соғлиқни сақлаш капитали инсон капиталининг алоҳида тоифаси сифатида қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- соғлиқни таълимдан фарқли ўлароқ, қисқа вақт ичida тўлиқ тиклаш ёки сотиб олиш мумкин эмас;

• баҳтсиз ҳодисалар ёки фалокатлар каби кутилмаган ҳодисалар юзага келганлиги сабабли соғлиқни сақлаш капитали бир зумда йўқ қилиниши мумкин;

• ирсият ёки маълум касалликларга мояиллик туфайли шахснинг соғлиғини маълум даражадан ошириб бўлмайди, таълим даражасини эса янги билимларни олиш, кўникма ва малакаларни ривожлантириш орқали сезиларли даражада ошириш мумкин.

Саломатлик, бир томондан, талаб мавжуд бўлган истеъмол товари бўлса, иккинчи томондан, бу товардан олинган фойданинг соф қиймати билан белгиланадиган инвестиция товариdir. Масалан, умр қўриш давомийлигининг ошиши қўшимча меҳнат фаолияти даврларини қўшишни назарда тутади, бу даврда инсон даромад олади ва ўз капиталига инвестиция қиласди.

Аҳолининг соғлиғига йўқотишлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ногиронлик, касалланиш, ўлим каби қўрсаткичларда ифодаланади ва катта иқтисодий заарга олиб келади.

Бугунги кунда жамият, айниқса, Ўзбекистон ўртача умр қўриш давомийлигининг пастлиги, саратон, юрак-қон томир касалликлари, диабет ва сурункали респиратор касалликлар каби юқумли бўлмаган касалликлар, қиммат тиббий хизмат қўрсатиш каби муаммоларга дуч келмоқда, бу эса соғлиқни сақлаш капиталини кескин камайтиради.

Шу билан бирга, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича профилактика тадбирларини мувофиқлаштиришнинг самарали тизими мавжуд эмас, бу соғлом турмуш тарзини сақлаш, фуқароларнинг соғлом овқатланиши ва жисмоний фаолигини сақлаш бўйича келишилган чора-тадбирларни кўллаш имконини бермаяпти.

Аҳолининг тиббий, санитария-гигиена маданияти даражаси пастлигича қолмоқда, бунинг

натижасида касалликларнинг олдини олишга эмас, балки уларни даволашга асосий эътибор қаратилмоқда.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таърифига кўра, соғлиқ – бу инсоннинг руҳий, жисмоний ва ижтимоий фаровонлик ҳолати[1].

В. Петти, Т. Р. Мальтус, А. Смит, Д. Рикардо, К. Маркс ва А. Маршалл каби иқтисодий фанларнинг асосчилари биринчи марта соғлиқни сақлашнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ижтимоий манбаи сифатида аҳамиятини таъкидлайдилар. Юқоридаги иқтисодчи олимлар жамиятнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда инсон саломатлигининг аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилишди. Масалан, Уилям Петти илмий тадқиқотлар олиб борганида, ишчиларнинг соғлиғи даражаси ва вабо эпидемияси туфайли ўлим зарари ўртасидаги боғлиқликни ҳисоблаб чиқди.

Уилям Петти[2] 1664 йилда "...вабо эпидемиясидан 100 минг кишининг одатдаги ўлим сонидан ошиб кетиши Қироллик учун деярли 7 миллион фунт Стерлингни йўқотишини англатади ва шунинг учун бу йўқотишнинг олдини олиш учун 70 минг фунт стерлингни сарфлаш афзал бўлар эди" деб таъкидлаган.

Майл Гроссманнинг[3] фикрига кўра, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш – соғлиқ капиталини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган соҳалардир. Истеъмолчилар соғлиғини яхшилаш ёки касалликни даволаш учун тиббий ёрдамга мурожаат қилишади. Соғлиқни сақлаш, истеъмолчиларнинг фойдаси ва шу билан бирга фойда олиш воситасидир.

Соғлиқни сақлаш - бу инвестиция обьекти бўлган инсон капиталининг таркибий қисми. Олимнинг таъкидлашича, соғлиқ инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган узоқ муддатли маҳсулотдир. Бундай ҳолда, ҳар бир кишининг сармояси унинг узоқ муддатли афзalликларига боғлиқ.

М. Гроссман соғлиқни сақлаш капитали инсон капитали таркибида алоҳида ўрин тутади деб ҳисоблайди ва уни ҳисоблашда қуйидаги ёндашувни таклиф қилган:

$$U=U(\varphi t H_t, Z_t), t = 0, 1, \dots, n.$$

Бу ерда:

U – соғлиқ капитали

$\varphi t$  – таъминот бирлигига "соғлиқни сақлаш хизматлари" оқимини англатади;

H t – бу т ёшидаги ёки т давридаги саломатлик захирасини билдиради;

t – тиббиёт ходими бўлимидан "хизмат оқими"ни ифодалайди;

Z t – бошқа товарларни истеъмол қилишинанглатади.

Фикримизча, М. Гроссманнинг таклиф қилинган модели соғлиқни сақлаш капиталини тўплаш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатадиган бир қатор муҳим омилларни ҳисобга олмайди, масалан: спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, чекиш, жисмоний ҳаракатсизлик, овқатланиш ва замонавий дунёга хос бўлган баъзи ёмон одатлар.

Инглиз иқтисодчиси А.Маршалнинг[4] фикрига кўра, "Аҳолининг саломатлиги уч компонентдан иборат: жисмоний, ахлоқий ва ақлий. Улар биргалиқда моддий бойликлар яратишга хизмат қиласди, бу эса ўз навбатида одамларнинг саломатлигини оширади".

Гари Беккер[5], ўз навбатида, инсон капитали концепциясини ишлаб чиқди, инсон капиталига инвестициялар самарадорлигини асослаб берди ва инсон хатти-ҳаракатларига иқтисодий ёндашувни шакллантириди. Г.Беккер "капиталга фойда даражаси" ўрнига "ички даромадлилик даражаси" тушунчасидан фойдаланишини таклиф қилди. Шу билан бирга, юқори даромад ставкалари инвестицияларнинг етарли эмаслигини, паст кўрсаткичлар эса уларнинг ортиқча эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, қайтариш ставкалари хусусий ва ижтимоийга бўлинади. Биринчиси инвестицияларнинг самарадорлигини индивидуал инвесторлар нуқтаи назаридан, иккинчиси - бутун жамият нуқтаи назаридан ўлчайди.

Р.Солоу[6] инсон капиталини иқтисодий ўсиш омилларидан бири деб ҳисоблади. У ишчининг билим даражаси, малакаси ва соғлиғининг ошиши билан таъминланган оддий меҳнат бирлигининг самарадорлигини оширишни ўрганди. Хусусан, у ўзининг иқтисодий ўсиш моделида техник тараққиёт омилини ҳисобга олувиши ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланган.

Р. Лукас[7] ўрганиш самарадорлиги функциясини қўшиш орқали Р. Солоу моделини ишлаб чиқди. У ишлаб чиқариш функциясининг ўзига хос талқинини таклиф қилди, унда инсон капиталини яратиш учун меҳнат харажатларининг улуши, инсон капитали заҳиралари ва унинг иқтисодиётдаги ўртacha даражаси киради.

Р. Лукас моделида жисмоний ва инсон капиталининг доимий ўсиш суръатлари билан динамик мувозанат ҳолатида ва ташки таъсирлар мавжуд бўлмаганда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати тўлиқ инсон капиталининг ўсиши билан белгиланади. Капитал қўйилмалар ва ишчилар сонининг кўпайиши билан нафақат ишлаб чиқариши механизациялаш, балки ишчиларнинг саломатлиги ва малакаси ҳам ошади.

Девид Рикардо[8] ишчилар соғлиғининг пул иш ҳақига ва уларнинг "бирламчи" ва

"иккиламчи" эҳтиёжларга сарфланиши таркибига боғлиқлигини ўрганиб чиқсан. Хусусан, хориждан келтирилаётган хориж маҳсулотларининг саломатликка таъсирининг ўрни ва аҳамиятини таъкидлаган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини фундаментал тушунчалар, таниқли олимларнинг ўрганилаётган муаммо бўйича илмий нашрлари, норматив ҳужжатлар, соҳага оид меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар ва тавсиялар, давлат статистика агентлиги материаллари асосида статистик таҳлил усуllibидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Инсон капиталини шакллантириш асосий компонентлар ва уларнинг таркибий қисмлари мажмуи сифатида инсон капиталининг бевосита шаклланиши (1-жадвалга қаранг) ва фойдали натижа ёки даромад олиш учун инсон капиталидан фойдаланиш босқичидан иборат.

1-жадвалга кўра, инсон капиталининг шаклланишига бир қатор омиллар таъсир қиласди: демографик, иқтисодий, ижтимоий, соғлиқни сақлаш, экологик, технологик, институционал, хулқ-атвор ва бошқалар.

Ушбу тадқиқотда, ҳозирда инсон капиталининг шаклланишига таъсир этувчи энг дол зарб омиллардан бири ҳисобланган, соғлиқни сақлаш капитали омилини ўрганишга бағишиланган.

2021 йилги давлат бюджети харажатлари 188,1 триллион сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 25,6 фоизни ташкил этган. 2021 йилги давлат бюджети харажатларининг 48,9 фоизини ижтимоий харажатлар ташкил этган. 2021 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига 23 316,8 млрд.сўм ўйналтирилган.

2022 йил соғлиқни сақлаш соҳасига – 22 827,6 млрд. сўм ўйналтирилган. 2022 йил учун давлат бюджети харажатлари 236 579 млрд. сўм ёки ЯИМнинг 26,6 % ни ташкил этган.

Давлат бюджетининг 2023 йил учун харажатлари 257 734 млрд. сўм ёки ЯИМнинг 24,1 % ҳисобида тасдиқланди. Ижтимоий харажатларга 129 891 млрд. сўм ўйналтирилиши белгиланиб, бу ўз навбатида жами давлат бюджети харажатларининг 50,4 фоизини ташкил этади[9].

2023 йил соғлиқни сақлаш соҳасига – 28 426 млрд. сўм ўйналтириш режалаштирилган. Соғлиқни сақлаш бюджетида юқори улушни иш ҳақи харажатлари, жумладан унга ажратмалар ташкил этади. 2023 йилда ушбу мақсадлар учун 20 361 млрд. сўм (жорий харажатларнинг 71,6% и миқдорида) ажратилган.

## Инсон капиталининг асосий таркибий қисмлари

Инсон капитали	Таркибий қисми
Соғлиқни сақлаш капитали	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ҳар қандай касалликка мойиллик;</li> <li>- жисмоний ва психолигик потенциал;</li> <li>- умумий саломатлик ҳолати;</li> <li>- руҳий саломатлик;</li> <li>- соғлиқни сақлашнинг ривожланиш даражаси;</li> <li>- хавфсизликни таъминлаш;</li> <li>- психологик ва ижтимоий барқарорлик</li> </ul>
Таълим капитали	<ul style="list-style-type: none"> <li>- умумий билим;</li> <li>- маҳсус билимлар;</li> <li>- тадқиқот кўнгилмалари;</li> <li>- билимнинг ижтимоий қиймати;</li> <li>- ўз-ўзини тарбиялаш қобилияtlари</li> </ul>
Профессионал капитал	<ul style="list-style-type: none"> <li>- умумий касбий билим, кўнгилма ва малакалар;</li> <li>- профессионал иш тажрибаси;</li> <li>- ташкилотчилик қобилияти;</li> <li>- ижодий қобилияtlар;</li> <li>- тадбиркорлик қобилияти;</li> <li>- инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қобилияти;</li> <li>- ишлаш қобилияtlари</li> </ul>
Маданият капитали	<ul style="list-style-type: none"> <li>- умумий маданият ва санъат;</li> <li>- тарбия;</li> <li>- ўз-ўзини ривожлантириш учун ижтимоий-маданий мотивация</li> </ul>
Хулқ-автор капитали	<ul style="list-style-type: none"> <li>- устувор ижтимоий қадриятлар;</li> <li>- одоб-ахлоқ қоидалари;</li> <li>- ижтимоий инфратузилманинг ривожланиш даражаси;</li> <li>- ижтимоий ўзаро таъсир қилиш имконияти;</li> <li>- меҳнат мотивацияси;</li> <li>- корпоратив маданиятда иштирок этиш</li> </ul>

**Манба:** муаллиф томонидан ўрганилган назарий материал асосида тузилган.

Аммо, шунга қарамай ҳудудлар бўйича аҳолининг касалликларга чалиниши, нафас органлари касалликлари, ҳазм қилиш органлари касалликлари, ҳазм қилиш органлари касалликлари, перинатал даврда юзага келадиган баъзи ҳолатлардан гўдаклар ўлими ҳозирги кунда

инсон капиталини шакллантиришга таъсир этувчи долзарб муаммо ҳисобланади.

1-жадвалда ҳудудлар бўйича аҳолининг касалликларга чалиниши (минг ҳолат) келтирилган.

**Ҳудудлар бўйича аҳолининг касалликларга чалиниши, минг ҳолат  
(беморларда биринчи марта ташҳиси билан рўйхатга олинган касалликлар сони)**

Минтақалар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Ўзбекистон Республикаси	15 770,8	15 676,6	19 368,0	20 882,9
Қорақалпоғистон Республикаси	858,9	871,0	786,0	959,0
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	1 527,7	1 525,7	1 742,4	2 212,3
Бухоро	608,2	493,0	644,7	912,8
Жиззах	343,0	351,3	371,1	479,5
Қашқадарё	1 248,1	1 287,4	1 588,4	1 407,1
Навоий	508,8	455,9	431,8	473,3
Наманган	1 000,5	946,7	975,3	1 240,6
Самарқанд	1 497,9	1 627,3	1 366,4	1 939,4
Сурхондарё	1 249,7	1 142,7	961,5	1 176,7
Сирдарё	376,9	381,8	316,1	487,7
Тошкент	1 102,6	1 051,6	1 406,4	2 284,6
Фарғона	1 936,5	2 127,2	1 872,0	2 169,4
Хоразм	939,3	929,2	1 028,6	11 49,8
Тошкент ш.	2 480,2	2 408,4	2 589,1	3 936,2

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридан Статистика агентлиги маълумотлари асосида маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

## DEMOGRAFIYA VA MEHNAT IQTISODIYOTI

2018 йил худудлар бўйича аҳолининг касалликларга чалиниши бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри 2 480,2 минг ҳолат ва Фарғона вилоятида 1 936,5 минг ҳолат кузатилган. 2021 йил худудлар бўйича аҳолининг касалликларга чалиниши энг юқори кўрсаткич Тош-

кент шаҳри 3936,2 минг ҳолат, Тошкент вилояти 2 284,6 минг ҳолат ва Андижон вилоятида 2 212,3 минг ҳолат кузатилган.

Касалликларнинг асосий сифатлари бўйича аҳолини касалликларга чалинишини 2-жадвалда кўриб чиқамиз.

### 3-жадвал

#### **Касалликларнинг асосий синфлари бўйича аҳолини касалликларга чалиниши, минг ҳолат**

	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
<b>Барча касалликлар улардан:</b>	<b>15 770,8</b>	<b>15,676,6</b>	<b>19 368,0</b>	<b>20 882,9</b>
<i>Айрим юқумли ва паразит касалликлар</i>	419,9	374,1	701,3	725,1
<i>ўсмалар</i>	50,0	46,0	73,3	87,0
<i>эндокрин тизими касалликлари, овқатланиш тартибсизлиги, модда алмашинуву бўзилишлари</i>	634,1	510,8	735,9	913,0
<i>қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва имунне механизмини жалб этувчи айрим бўзилишлар</i>	1 785,9	1 843,0	1 649,8	1 711,1
<i>асаб тизими касалликлари</i>	521,8	525,2	834,7	1 009,2
<i>руҳий бўзилишлар ва хулқ-автор бўзилишлари</i>	34,1	38,0	47,9	46,9
<i>қон айланниш тизими касалликлари</i>	679,9	717,9	975,9	1 181,8
<i>нафас органлари касалликлари</i>	4 707,6	4 750,5	4 585,8	4 598,1
<i>ҳазм қилиш органлари касалликлари</i>	2 197,2	2 210,8	3 511,6	3 740,6
<i>сийдик таносил тизими касалликлари</i>	951,9	940,0	1 402,9	1 700,1
<i>ҳомиладорлик, туғиши ва туғишидан кейинги асоратлар</i>	360,3	386,9	809,2	763,9
<i>тери ва тери ости клетчаткаси касалликлари</i>	613,2	627,3	479,5	504,4
<i>суяқ-мушак тизими ва кўйувчи тўқума касалликлари</i>	326,1	318,1	461,5	312,7
<i>перинатал даврда юзага келадиган бাবзи ҳолатлар</i>	90,7	96,4	123,2	212,9
<i>туғма аномалиялар, деформациялар ва хромосом бўзилишлар</i>	10,7	12,6	16,0	10,7
<i>ташқи сабаблар таъсирининг жароҳатлар, заҳарланишлар ва айрим бошқа оқибатлар</i>	1 072,1	1 062,7	976,6	1 139,4

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридан Статистика агентлиги маълумотлари асосида маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Юқорида келтирилган жадвалда, касалликларнинг асосий синфлари бўйича аҳолини касалликларга чалиниши бўйича нафас ўрганлари касалликлари ва ҳазм қилиш органлари касалликлари энг кенг тарқалганинини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон кескин континентал иқлим миintaқасига киради. Айниқса, Орол фожиаси, сўнгги йиллардаги иқлимий ўзгаришлар миintaқа аҳолисининг нафас олиш органлари касалликлари даражасини ошириб юборди. Нафас аъзолари касалликлари ўлим сабаби кўрсаткичи

бўйича бешинчи ўринни, болалар орасида эса иккинчи ўринни эгаллади. Юртдошларимизни энг кўп қийнайдиган нафас олиш билан боғлиқ касаллик бронхиал астма ҳисобланади. Албатта бу инсон капиталига салбий таъсир кўрсатади[10].

Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши билан боғлиқ масалалар инсон капиталига таъсир этувчи дол зарб омил ҳисобланади. 3-жадвалда асосий ўлим сабаблари бўйича гўдаклар ўлими келтирилган.

### 4-жадвал

#### **Асосий ўлим сабаблари бўйича гўдаклар ўлими (1 ёшгача) (киши)**

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
<b>Жами ўлганлар</b>				
<b>Шу жумладан:</b>				
<i>инфекцион ва паразитлар касалликларидан</i>	7 557	7 472	7 827	8 206
<i>ҳазм қилиш органлари касалликларидан</i>	178	219	266	181
<i>нафас органлари касалликларидан</i>	53	72	63	62
<i>туғма аномалиялардан</i>	1 315	1 430	1 610	1 782
<i>перинатал даврда юзага келадиган бাবзи ҳолатлардан</i>	922	930	856	881
<i>бахтсиз ҳодисалар, заҳарланиш ва жароҳатлардан</i>	4 494	4 235	4 497	4 627
<i>нерв тизими касалликлари</i>	175	158	137	157
<i>қон айланниш тизими tizitī касалликлари</i>	181	211	202	208
	81	81	74	174

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридан Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ушбу жадвалда, гўдаклар ўлимига асосий сабаб бўлиб перинатал даврда юзага келадиган баъзи ҳолатлар ва нафас органлари касалликлари сабаб бўлаётганини кўришимиз мумкин.

*Перинатал давр* – ҳомиланинг 28 ҳафтадан бошлаб, чақалоқ ҳаётининг дастлабки 7 суткасигача бўлган даврни қамраб олади. 1 ёшгacha бўлган гўдаклар перинатал ўлими 2021 йилда 4 627 тани ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2018 йилга қараганда 2,9 % ошган.

Икки йил ичида туғилиш даражасида катта фарқлар бўлса, чақалоқлар ўлими коэффициентини ҳисоблаш кўйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$K = \frac{a}{\frac{2}{3}b + \frac{1}{3}c \cdot 1000}$$

Бу ерда: **K** - чақалоқлар ўлими даражаси; **a** - маълум бир йилда 1 ёшгacha бўлган болаларнинг ўлими сони;

**b** - маълум бир йилда туғилганлар сони;

**c** - ўтган йили туғилганлар сони.

*Перинатал ўлим даражасини ҳисоблаш*

Перинатал ўлим даражаси қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K = \frac{a + b}{c} \cdot 1000$$

Бу ерда: **K** - перинатал ўлим даражаси;

**a** - ўлик туғилган чақалоқлар сони;

**b** - ҳаётнинг биринчи ҳафтасидаги ўлимлар сони;

**c** - туғилганларнинг умумий сони (тирик ва ўлиқ).

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда она ва бола саломатлигига қаратилаётган эътибор, бу борада олиб борилаётган аниқ чоратадбирлар натижасида мамлакатда болаларнинг омон қолиши ва соғлом ривожланиши бўйича юқори натижалар қайд этилмоқда. Аммо айрим муаммолар ҳам йўқ эмас ва уларни бартараф этиш учун чора-табирларни кўришб, профилактика ишларини олиб бориш зарур.

**Хулоса ва таклифлар.** Аҳолини нафас органлари касалликлари ва ҳазм қилиш органлари касалликларига чалинишини олдини олиш мақсадида қўйидаги тақлифлар келтирилди:

1. аҳолининг тиббий ва санитар-гигиеник маданияти бўйича профилактика ишларини олиб бориш;

2. шаҳар, туман ва маҳалла кесимида спортнинг оммавийлигини ошириш;

3. нотӯғри овқатланиш билан боғлиқ касалликларни келтириб чиқарувчи омилларни камайтириш бўйича профилактик тадбирлари ни ўтқазиш ва самарадорлигини ошириш;

4. биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш;

5. туз, қанд ва йоғ миқдори белгиланган меёrlардан юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва газланган, рангли, ширин ҳамда энергетик ичимликларни ва умуман олганда инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи маҳсулотлар савдосини тартибга солиш;

6. соғлом, таркибида гмо бўлмаган, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори инсон соғлиги учун хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-куватлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш;

7. яшил ҳудудлар сонини кўпайтириш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш зарур.

Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши билан боғлиқ масалалар инсон капиталига таъсир этувчи дол зарб омил ҳисобланади. Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлигини янада яхшилаш учун қўйидагилар тавсия қилинади:

1. Кам таъминланган, бокувчисини йўқотган муҳтож болаларга кўпроқ сармоя йўналтириш зарур.

2. Болалар саломатлигини таъминлашда эмлаш қамровининг юқори даражасини сақлаб қолиш керак, ҳамда миллий иммунизация дастурининг таъминот тизимларини янада кучайтириш керак.

3. Бола ҳаётнинг дастлабки кунларига сармоя йўналтириш зарур.

4. Жамиятда соғлом фарзанд туғилиши, унинг тўғри ривожланиши ва тарбияси масалалари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, аҳоли орасида тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаолликни оширишни тарғиб этиш, соғлом турмуш тарзи кўнникмаларини шакллантириш зарур.

5. Болалар, ҳомиладор ҳамда эмизикли аёлларни витамин ва минераллар билан бепул таъминлаш.

### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Устав ВОЗ // Основные документы ВОЗ. - 36 изд. - Женева. 1986. С.5-26  
 2. Петти У. Экономические и статистические работы. Т. I и II. Пер. с англ. - М.: Соцэкиз, 1940. - с.82.  
 3. Grossman M. On the Concept of Health Capital and the Demand for Health / M. Grossman // Journal of Political Economy. - 1972. - Vol. 80, № 2. - P. 223-255.  
 4. Маршалл А. Принципы экономической науки: в 3 т. Т.1. Пер. с англ. - М.: Прогресс, 1993. С 272.  
 5. Becker Gary S. Human Capital. - Columbia University Press, 1964.  
 6. Solow R.M.Growth Theory. In: Companion to Contemporary Economic Thought. M.Bleaney, D.Greenaway, I. Stewart (eds.). London, Routledge.-1991.-P.858.  
 7. Lucas R.E.Human Capital and Growth. American Economic Review: Papers and Proceedings.-2015 Vol. 105, iss. 5, pp. 85-88.  
 8. Антология экономической классики. В 2-х томах. Т. 1. - М.: МП «ЭКОНОВ», 1993. - С. 149-150. - 457 с.  
 9. Бюджет для граждан 2021-2022г.[Электронный ресурс]//Режим доступа: <https://openbudget.uz/oz/>(Дата обращения 10.03.2023й)  
 10. Нафас аъзолар касалликлари/хавфли оқибатлардан профилактика ва даво чораларигача. [Электронный ресурс] //Режим доступа:<https://ssv.uz/uz/news/nafas-azolar-kasalliklari-xavfli-oibatlardan-profilaktika-va-davo-choralarigacha>(Дата обращения 10.03.2023 й)